ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

23 июль, пайшанба 1998 йил №86(588)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## Ушбу сонда:

2 ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ОҲАНГАРОН

3 АЁЛЛАРИМИЗ ОИЛА ФИДОЙИСИ

4 ШОДМУЛК ХОТУН

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА 39 КУН ҚОЛДИ

## Истиқлол мафкураси– ёшлар камоли

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида талабаёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш - давр талаби мавзуида республика илмий-амалий семинар кенгаши бўлди. Унда мамлакатимиздаги университет ва институтлар, коллеж ва лицейлар, ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.**

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида ва унинг бир гуруҳ тарихчилар билан суҳбатлари чоғида ўртага қўйилган қоида ва хулосалар асосида вазирлик тизими ходимлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев шу ҳақда маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни, айниқса ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор бераётгани анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, келажагимиз бўлмиш ёш авлоднинг камоли кўп жиҳатдан мустақиллик мафкурасининг омма онгига нечоғли кенг сингишига боғлиқдир. Таъкидланганидек, истиқлол мафкураси мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан тақдирини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиши лозим. Замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бир қаторда, ҳар томонлама етук, Ватанига содиқ, фидойи, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кўмак бериш республикадаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси эканига алоҳида эътибор қаратилди.

/ЎзА/

«Олтин мерос» жамғармаси қошидаги ҳунармандлар Мустақил Республика гербини юртдошларимизга ҳадя этишади.

*Истиқлолдан қанот олган корхоналар*

## ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ОҲАНГАРОН

**Оҳангарон шаҳрида бўлсангиз, одамлар чеҳраларидаги ёрқинлик, очиқликка албатта эътибор берасиз. Мустақиллигимизнинг 7- йилигидаги кайфиятни шаҳар корхоналаридаги ҳолат белгилайди, десам асло янглишмайман. Мовий тоғлар этагидаги бу мўъжазгина шаҳарда қурилиш материаллари саноатининг йирик корхоналари жойлашган. Сир эмас, тўрт-беш йил илгари уларнинг аксариятида ишлаб чиқариш мароми бузилган, иш ўринлари қисқара бошлаган эди.**

**- Мана энди корхоналаримизда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораяпти,-деди шаҳар ҳокими Александр Расулов.- Янги технологик линиялар ишга тушаяпти, янги хил маҳсулотлар ўзлаштирилмоқда.**

**...Ҳоким тилга олган Қурилиш пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳиссадорлик жамиятидамиз. Корхонада илгарилари пол қопламалари - линолеумлар кўплаб ишлаб чиқарилар эди. Мустақиллик йиллари бундай маҳсулотларга янгича талаб қўйила бошланди. Илгариги бир тусли рангсиз жилвасиз линолеумлар касод бўлди. Уларнинг сифати ҳам паст эди.**

**Корхона мутахассислари иш ўринларини сақлаб қолиш, энг асосийси, янги, харидоргир, жаҳон стандартлари даражасидаги пол қопламаларини кўплаб ишлаб чиқаришга киришиш режаларини ишлаб чиқишди, тегишли идораларга ўз лойиҳаларини таклиф қилишди. Келинг, шундан кейинги ишлар хусусида унинг иштирокчиларидан эшита қолайлик.**

(Давоми 2-бетда).

*Еттинчи йил — ғалла йили*

## Қашқадарё

Мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Қашқадарё вилояти деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртма-режасини бажардилар. Қабул пунктларига 317 минг тонна дон етказиб берилди.

Чироқчи, Касби, Косон, Шаҳрисабз туманлари ғаллакорлари ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бир қанча хўжаликларнинг уста деҳқонлари гектар бошига 40-45 центнердан хирмон кўтаришга эришдилар.

Вилоят ғаллакорлари яна 10 минг тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

## Жиззах

Жиззах вилояти ғаллакорлари республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 223 минг 300 тонналик хирмон уйилиб, дон топшириш давлат буюртма-режаси бажарилди. Эришилган муваффақиятга Зафаробод, Дўстлик, Зомин, Ғаллаорол, Арнасой ва куни кеча маррага етган Фориш туманларининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бу йилги мавсумда техника кучидан унумли фойдаланилганлиги туфайли суғориладиган майдонлардаги ғалла 25 иш кунида ўриб-йиғиб олинди. Топширилган ҳосилнинг 80 фоизи «Кейс» комбайнларида ўрилди.

Зафаробод туманидаги «Олтин Водий», Дўстлик туманидаги «Оқ олтин», Жиззах туманидаги Ҳ.Олимжон номли, Зомин туманидаги «Бешкуби», Ғаллаорол туманидаги «Музбулоқ» ва «Бўстон» ижара ширкатлар бирлашмаларида ҳосилдорлик ҳар йилгидан юқори бўлди. Бу хўжаликларда суғориладиган ерларда гектар бошига 36-40 центнердан, лалмикор майдонларда эса 18 центнергача ҳосил кўтаришга эришилди.

Вилоятда бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллакорлар ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан давом эттириб, яна 10 минг тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.

## ФОРИШ: БУЛТУРГИДАН УЧ ҲАФТА ОЛДИН

«Бу йил ғалла йили бўлди» деган сўзни лалми майдонларда дон етиштириб келаётган Фориш тумани деҳқонлари ҳам баралла айтишмоқда. Қабул пунктларига 6700 тонна сара дон топширилди, натижада йиллик режа ўтган йилдагидан уч ҳафта олдин адо этилди. Мамлакат мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида қўлга киритилган бу ютуққа «Туркистон»,»Қизилқум», Мусоқул Оролов номли, «Фориш»,»Боғдон»,»Эгизбулоқ» ширкатлар уюшмаларининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

- Ҳали тўрт минг гектар майдондаги ғалламиз ўриб олингани йўқ,-дейди туман ҳокими Саъдулла Эшбоев.- Демак, давлатга топширилган ҳосил хирмонини 7 минг тоннага етказиш ва етарли уруғлик заҳираси жамғариш йўлида яна 3,5 минг тонна ғаллани йиғиштириб олиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Д.ЖЎЗИЛОВ.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### МАГИСТРАЛ ЯНА ТЎСИБ ҚЎЙИЛДИ

**Россиянинг Кемерово вилояти кўмирчилари Транс-Сибирь магистралини яна тўсиб қўйдилар. Кузбасс кўмирчилари Россия Бош вазирининг ўринбосари Олег Сисуевнинг Кемеровога ташрифига катта умид билан қараган эдилар. бироқ ҳукумат кўмир конлари ишчиларининг ойлик маошларини тўлаш муаммоларини ҳал эта олмаганидан сўнг Транс-Сибирь магистралининг бир қисми яна тўсиб қўйилди.**

### ЧЕЧЕНИСТОНДА АҲВОЛ ЧАТОҚ

Чеченистонда кескин вазият юзага келди. Ҳукуматга қарши қуролли ҳаракат бошлаган Шариат гвардиясининг бир гуруҳ раҳбарлари ишдан четлаштирилган. Чеченистон пойтахти Грознийда бир неча кундан бери ўқ овозлари тинмаяпти. Шаҳарга олиб кирувчи йўллар чечен ҳукумати қўшинлари билан тўсиб қўйилган.

### ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

**Жанубий Африка Республикасида йўловчи ташиш автобуси жарликка қулаб тушган ва бунинг оқибатида 14 киши ҳалок бўлган, 80 га яқин киши оғир жароҳат олган. Тергов идоралари бу ҳалокатда автобус ҳайдовчисини айбламоқдалар. У автобусни тоғли йўлда эҳтиётсизлик билан бошқарган.**

### НЕЛЬСОН МАНДЕЛАНИНГ БАХТИ ОЧИЛДИ

Жанубий Африка Республикасидан олинган яна бир хабарга кўра, мамлакат Президенти Нельсон Мандела ёш аёлга уйланди. Бу Нельсон Манделанинг ўз ҳаёти давомида учинчи уйланишидир.

### АСЕАН АНЖУМАНИ БОШЛАНИШ АРАФАСИДА

**24 июль куни Филиппин пойтахти Манила шаҳрида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг анжумани бошланади. Анжуманда АСЕАНга аъзо тўққиз давлат Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Мьянма, Камбоджа ҳамда Вьетнам ташқи ишлар вазирлари иштирок этадилар. АСЕАН анжуманида кўриладиган масалалар асосини Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий ва молиявий тангликдан чиқиш муаммолари ташкил этади.**

### АМЕРИКА ВАКИЛИ ҲИНДИСТОНДА БЎЛДИ

Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлбот Ҳиндистонга қилган ташрифи давомида Бош вазир Атал Бихари Важпаи билан учрашиб, май ойида Деҳли амалга оширган ядро синовлари ва бу синовларнинг Жанубий Осиёдаги вазиятга кўрсатган салбий таъсири хусусида фикр алмашди. Строуб Тэлбот Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги Шартномага қўшилиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида

*ТЕЗКОР ШАРҲ*

## ЯПОНИЯ: КИМ БОШ ВАЗИР БЎЛАДИ?

**Шу йилнинг 12 июл куни Японияда парламентнинг юқори палатасидан жой эгаллаш учун бўлиб ўтган сайловда Либерал-демократлар партияси мағлубиятга учрагач, ўзини бу мағлубиятнинг сабабчиси ҳисоблаган мамлакат Бош вазири Рютаро Хасимото истеъфо берди. Бу воқеа кунчиқар мамлакатидаги энг юқори лавозим учун қизғин курашни бошлаб юборди. Бироқ, қизиғи шундаки, бу кураш партиялар ўртасида эмас, бир партия ичида бўляпти.**

Таъкидлаш жоизки, либерал-демократлар партияси вакиллари юқори палата учун бўлган сайлов натижаларини мағлубият сифатида баҳолаган бўлса-да, парламентда ҳамон уларнинг салмоқли ўрни бор. Бу эса парламентда сайлов ўтказилса, унда ғолибликни қўлга киритишнинг энг катта имконияти, албатта, либерал-демократлар партияси томонидан қўйилган номзодда бўлади. Бироқ, илгариги хабарлардан маълумки, Рютаро Хасимото билан бирга мазкур партиянинг бош котиби Коити Като ҳам истеъфо берган эди. Айни вақтда либерал-демократларнинг бирор етакчиси йўқ - раис ҳам, бош котиб ҳам истеъфода. Демак, номзод ҳам аниқ эмас. У ҳолда вазият қандай?

Японияда олинган хабарларга қараганда, бош котиб курсисини ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути эгаллаши мумкин. Бу мамлакатда нашр этиладиган «Иомури» газетаси ўтказган сўров натижаларига кўра, парламентдаги либерал-демократлар, шунингдек, партиянинг маҳаллий шўбалари раҳбарларидан 180 нафари К.Обутининг номзодини ёқлаб овоз беришини билдирган. Япония матбуотининг ёзишича, либерал-демократлар партиясининг ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути раҳбарлигига ўтишига айтарли шубҳа қолмаган. Қолаверса, кўпчилик либерал-демократлар партия таркибидаги энг йирик фракция раҳбари бўлган К.Обутига партия раҳбарининг ўрнини босадиган шахс сифатида қараб келгани ҳам сир эмас. Демак, аксарият сайловчилар унинг номзодини ёқлаши турган гап.

Лекин, нима бўлганда ҳам 24 июл куни сайлов ўтказилиб, то унинг натижалари расман эълон қилингунга қадар, бирор сиёсатчининг партия раҳбари бўлиши тўғрисида аниқ гап айтиб бўлмайди. Чунки, К.Обути мутлақ ғолиб бўлиш учун рақибларидан кўра кўпроқ овоз йиғиши керак. Ҳозирча, унинг икки рақиби бор - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири Дзюн Итиро Коидзуми ҳамда Вазирлар маҳкамасининг собиқ бош котиби Сэйроку Кадзияма. «Иомури» газетасининг сўрови натижаларига кўра, Д.Итиро Коидзуми 95 фоиз, С.Кадзияма эса 65 фоиз сайловчининг рўй-ҳоҳишига мос келган. Лекин, юқорида таъкидланганидек, ҳаммаси 24 июл кунги сайловдан кейин аниқланади. Бордию унда бирор номзод ҳам керакли миқдорда овоз тўплай олмаса, энг кўп овоз олган икки номзод иштирокида иккинчи босқич сайлов бўлади.

Шундай қилиб, ҳозирги мўлжалларга кўра, 30 июл куни Япония парламенти янги Бош вазирни сайлайди. Юқорида Япония матбуоти хабарлари, хусусан, «Иомури» газетаси ўзи ўтказган сўров натижаларига таяниб, курашда К.Обутининг имкониятлари анча катта эканини таъкидлагани зикр этилганди. Лекин ички курашда К.Обутининг қўли баланд келаётган бўлсада, мамлакат аҳли қўпроқ Д.Итиро Коидзуми Бош вазир бўлишининг тарафдори. Чунки, таъкидланганидек, кўпчилик К.Обутини Р.Хасимотонинг издоши, деб билади. Бу эса, японлар хаёлига мамлакатни бошқаришда у, албатта, собиқ Бош вазир бошлаган йўлни давом эттиради, деган хавотирли ўйни солади. Р.Хасимотонинг йўли эса мамлакатдаги иқтисодий турғунликнинг олдини ололмади.

Д.Итиро Коидзуми туб ўзгаришлар тарафдори сифатида танилган. Масалан, у анчадан буён бошқарув тизими ва парламентни ислоҳ қилиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Учинчи номзод С.Кадзияма эса, сайловчиларга аввало мамлакатда молия соҳасида «жарроҳлик операцияси» ўтказиш ваъдасини берган.

Хуллас, Японияни Бош вазири ким бўлишини вақт кўрсатади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

*«Ишонч» мақолалари издан*

## «ЙИРТИҚ ПУЛ - ПУЛ ЭМАСМИ?»

**«Журналист муаммо қўяди» рукнида «Йиртиқ пул - пул эмасми?» сарлавҳаси остида чоп этилган Абдураим Отаметовнинг танқидий мақоласи билан танишиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади:**

Банк тизимида накд пуллар билан ишлашда тўловга яроқлилик бўйича пул бирликлари **«яроқли», «эскирган» ва «яроқсиз»** тоифаларга бўлинади. Қисман йиртилган, эскириб кетган, тешилган, ишқаланган, букилавериб ҳилвираб кетган, доғ теккан, рақамлар, ҳарф ва сўзлар ёзилган, чизиб-бўяб ташланган, пул бирлиги тўлиқ йиртилиб қайта елимланган бўлса ва бунда иккала қисми шубҳасиз битта пул бирлигига тегишли бўлса, шунингдек бироз куйган, лекин қалбаки бўлмаган пул бирликлари «эскирган» тоифасига киритилади. Аҳоли билан накд пул орқали ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи тузилмалар, жамоат ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат ва хусусий корхона ҳамда муассасалари, жумладан, транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан бу тоифадаги пуллар сўзсиз қабул қилиниши шарт ҳамда накд пул савдо тушуми қаторида банк муассасасига топширилиши лозим.

Пул бирликларига атайин зарар етказилган бўлиб, йиртилиб қайта елимланган ва бунда иккала қисми ҳар хил бўлса ёки бир қисмининг серияси ва номери йиртиб ташланган бўлса, бу пуллар тўловга яроқсиз ҳисобланади. Пулнинг тўловга яроқли эканлигини билдирувчи асосий қисми (1, 3 сўм қийматидаги пул бирликларининг олд томони ўнг тарафдаги қисмида рақамлар, 5-200 сўмлик пулларнинг олд томони марказий қисмидаги рақам ва сўзлар) сақланмаган бўлса, бундай пуллар тўловга яроқсиз ҳисобланади ва банк муассасаси орқали яроқли пулларга алмаштириб берилмайди.

«Сўмнинг тўловга яроқлилик белгиларини аниқловчи қоидалар» барча банк муассасаларига амалда қўллаш учун етказилган. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24 январдаги 376 сонли «Халқ хўжалигида касса операцияларининг юритиш Қоидалари»нинг 1-иловасида ҳам сўмнинг тўловга яроқлилигини аниқловчи белгилар батафсил кўрсатиб ўтилган.

Марказий банк томонидан муомаладаги сўмларни банк кассаларига қабул қилиш ва саралаш бўйича тижорат банкларига мунтазам равишда кўрсатмалар бериб борилмоқда. Шунингдек, Марказий банк ходимлари томонидан матбуот орқали сўмнинг тўловга яроқлилигини аниқловчи белгилар тўғрисида мақолалар берилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда («Халқ сўзи» 1998 йил 13 февраль).

М.Р.ЖУМАГЕЛДИЕВ,
Республика Марказий банки раиси ўринбосари.

**ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу мақоланинг моҳиятини англаб, тезкорлик билан бу муаммоларга аниқлик киритиб, ўз муносабатини йўллагани учун Марказий банк раҳбариятига муштарийлар номидан миннатдорчилигимизни билдирамиз.**

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

*Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий ҳимоя*

# ИККИ БАРОБАРИ МИҚДОРИДА

***Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 7 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга шайланмоқда. Ҳар бир меҳнат жамоаси ҳам бу байрамга муносиб совғалар ҳозирлаяпти. Шуни айтиш керакки, қаерда меҳнат аҳлига етарли ва қулай иш шароити яратилса, ўша ерда ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришилади. Буни бизнинг корхонамиз мисолида яққол кўриш мумкин.***

Ишчиларимиз тўла ижтимоий муҳофазага олинган. Улар меҳнат таътилига чиқишганда бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам олишади. Ишчи-хизматчилар ҳар ойда 10-15 килогача пахта ёғи, 10 донадан совунни ишлаб чиқариш таннархида олишади. Бундан ташқари, улар имкониятига қараб ҳар йили бир марта шелуха ва кунжара олиш имкониятига эга.

Корхонада ойлик иш ҳақлари ўз вақтида бериб борилаяпти. Ўтган йили ҳар бир ишчининг иш ҳақи ойига 3,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил охирига келиб бу рақам 6,3 минг сўмга етказилиши кўзда тутилаяпти.

Жамиятимиз маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамкорликда «Оила йили»да ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг қўшимча тадбирларини белгилашди. Бунга кўра корхонада 25 йил ишлаган эркаклар ва 20 йил ишлаган аёлларга пенсияга чиқаётганда бир йўла 10 минг сўм пул мукофоти берилади. Мана шу тадбирларга кўра ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимларимиз никоҳ тўйи қилганда иш ҳақи сақланган ҳолда 4 кун, оилада янги фарзанд туғилганда, янги уйга кўчиб ўтганда, армияга кузатиш ва кутиб олиш пайтида, фарзанди олий ўқув юртига ўқишга киргандa икки кундан таътил берилади. Бундан ташқари, касаба уюшмаси қўмитаси томонидан кам таъминланган ва кўп болали оиладан 5 тасига ҳар чоракда 1200 сўмдан моддий ёрдам, жамият бошқаруви кенгаши ва касаба уюшмаси қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган ходимларга энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул мукофоти бериш кўзда тутилган.

Корхонамизда зарарли ишларда ишловчилардан 150 кишининг меҳнат таътили 3 кунга узайтирилди. Экстракция цехи ва бошқа зарарли жойларда 12,5 йил узлуксиз ишлаган эркаклар 55 ёшда аёллар 50 ёшдан пенсияга чиқарилади. Жамоамизда 140 ўринли болалар боғчаси мавжуд. Унга кетадиган ҳаражатларни ярмини корхона ўз зиммасига олган. Ҳаммом, сартарошхона, сауналар улар ихтиёрида. Ҳар куни икки навбатда ишловчиларга бепул овқат берилади. Мана шуларнинг ҳаммаси ишчиларнинг унумли меҳнат қилишини таъминлаяпти.

Корхонамизда режалар ҳар йили зиёдаси билан бажарилаяпти. Ўтган йили 150,6 минг тоннадан кўпроқ чигитни қайта ишладик. Салкам 26,5 минг тонна қора ёғ, 22,2 минг тонна оҳорланган ёғ, қарийб 63,5 минг тонна кунжара, 52 минг тоннадан кўпроқ шелуха, 1072 тонна совун ишлаб чиқардик. Бу рақамларни бундан олдинги йилдагига солиштирадиган бўлсак, 844 тонна қора ёғ, 290 тонна кунжара, 1,8 минг тонна шелуха, 303 тонна совун кўп ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз.

Ҳиссадорлик жамияти қошида қандолатчилик фабрикаси фаолият кўрсатиб турибди. Бу ерда печенье, зифер, ҳолва, новвот, парварда каби 22 хил ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Биргина ўтган йили тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари 606 тоннани ташкил этди. Бу 1996 йилдагидан 40 тоннага зиёддир.

Ўтган йил жами 863,7 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Бу ҳам 1996 йилдагидан 22,8 миллион сўмга кўпдир. Халқ истеъмоли моллари ҳажми 1 миллиард 738,1 миллион сўмликни ташкил этди. 151 миллион сўм соф фойда олдик.

Бу йилги ишларимиз ҳам ёмон эмас. 6 ой мобайнида 71,1 минг тонна чигитни қайта ишладик. Салкам 10,7 минг тонна пахта ёғи тайёрланди. Ишлаб чиқарган кунжара қарийб 32 минг тоннага, шелуха эса 22,5 минг тоннага етди. 488 тонна совун ва 213 тонна қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланди. Бу кўрсаткичларнинг кўпчилиги бўйича ўтган йилнинг 5 ойига нисбатан анча ўсиш таъминланди. Ялпи маҳсулотимиз 543 миллион сўмдан, жами халқ истеъмоли моллари ҳажми 1 миллиард 307 миллион сўмликдан зиёдроқни ташкил этди. Йилнинг биринчи чорагида салкам 90 минг сўм соф фойда олдик. Бу кўрсаткич иккинчи чоракда 100 миллион сўмдан ошади.

Жамоамиз мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллигига ана шундай меҳнат ютуқлари билан бораяпти.

**Э.САРИБОЕВ,**
**«Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

# МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Меҳнат аҳли ўз ишидан манфаат кўрмас экан ишдан кўнгли совийди: самара ва сифати пасаяди, охир-оқибат ишдан воз кечади. Навоий вилояти Й.Охунбобоев номли деҳқон хўжалиги уюшмаси ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда тузилган шартномада бунга алоҳида эътибор берилган. Албатта бу хўжалик олдида турган вазифаларни бажаришга, иқтисодини юксалтиришга, энг муҳими меҳнаткаш турмушини яхшилашга хизмат қилаётир.**

- Уюшма раҳбарияти билан ҳамкору ҳамнафас иш юритишимиз ютуғимиз омили бўлмоқда,-деди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси О. Абдуқодиров. - Хўжалик аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор ошди. Маданий-маиший бинолар қурилмоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ташкилий ишлар олиб борилмоқда. 1-участкани газлаштириш авжида. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ишсизлик муаммосини ҳам биргаликда ҳал этмоқда. Ишга туширилган ғишт тайёрлаш корхонаси бунинг ёрқин мисолидир. Шуниси эътиборга лойиқки, корхона иш бошлагач кўпгина ёшлар муҳим иш ўрнига эга бўлдилар, бошқаларга қараганда аҳолига бирмунча арзон ғишт сотила бошланди.

Хўжаликда ёш авлод камол топишига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Мактабларни таъмирлашга ёрдам бермоқда. Болалар боғчаси зарур жиҳоз, озиқ-овқат билан таъминланаяпти.

Маълумки ҳозирги кунда барча ерда бўлгани каби хўжаликда ғалла ўрими ҳал қилувчи паллага кирган. Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси 520 гектар майдондаги ғаллани соз йиғиб-териб олиш тадбирларини кўришган. Тадбирларга кўра комбайнчилар, дон ташиш механизаторлари дам олишлари, ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Нонушта ва иссиқ-овқат ҳақининг 50 фоизини хўжалик ўз ҳисобидан қоплямоқда. Мавсумда энг яхши кўрсаткичга эришган комбайнчилар сиҳатҳода дам олиб даволаниб келишлари учун бепул йўлланма ва қимматбаҳо совғаларни бериш кўзда тутилган.

**Ҳамид СУЛАЙМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Суратда: оилавий пудрат бошлиғи У.Юсупов (ўнгда) бригада бошлиғи М.Тожиев ва хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси О.Абдуқодировлар ғалла чўғини чамалашмоқда.***

# РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

***Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши фаолиятининг устивор йўналишларидан бўлиб, бу борада катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда пойтахт касаба уюшма шаҳар кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб, уни кенгаш раиси вазифасини бажарувчи Ф.Рўзибеков қисқача кириш сўзи билан очди ва кун тартибидаги қатор масалалар билан иштирокчиларни таништирди.

«Тошуйжойқурилиштранс» корпорациясининг «Тошқурилиштранс» акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни нуқтаи назаридан ишловчиларни соғлом ва хавфсиз иш шароитлари билан таъминлаш юзасидан иши тўғрисида», «Меҳнаткашларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини кўриб чиқишда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси ва геология, кўмир, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшма қўмиталари шаҳар кенгашининг иши тўғрисида» (шаҳар касаба уюшмалари тафтиш комиссияси билан биргаликда), «1998 йилнинг мавсумига болалар соғломлаштириш оромгоҳларини энг яхши тайёрлаш Ойлигининг якунлари ҳақида» каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур масалалар йиғилишда иштирок этган тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмиталарининг раҳбарлари, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси тасарруфидаги тегишли корхоналарнинг раҳбарлари, техника хавфсизлиги бўйича мухандислар, касаба уюшма қўмиталарининг раислари, меҳнат ҳуқуқи бўйича техник нозирларнинг диққат марказида бўлди. Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳисоботи тингланиб, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикрлар баён этилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

*Истиқлолдан қанот өлган корхоналар*

# ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ОҲАНГАРОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

* * *

**Йўлдош ҚОРАБОЕВ,**
**корхона бош мухандиси**

**- Мустақиллик бизга бамисоли қанот берди, тадбиркорликка, изланувчанликка йўл очди. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг фармонлари, ҳукумат қарорлари бу изланишларимизга йўл очди. Бизнинг маҳсулот сифатини кескин яхшилаш, унинг ҳажмларини кўпайтиришга олиб борувчи лойиҳамизни рўёбга чиқариш учун технологияни замонавий даражага кўтариш, янги ускуналар топиш лозим эди. Таклифларимиз маъқулланиб, биз тайёрлаган лойиҳа давлат инвестиция дастурига киритилди. Ҳиссадорлик жамиятимизга 14,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Германиянинг «Ермафа» фирмаси билан контракт тузиб, ишга киришиб кетдик.**

**Фирма ускуналар ва технологияни етказиб, монтажлаш ва созлаш ишга тушириш жараёнида бевосита ёрдам берди. Энг муҳими, янги линияда ишловчи ходимларни тайёрлаш, уларни янги ускуналарда бекамиқўст ишлашга ўргатишда кўмаклашди. Етакчи мутахассисларимиз унинг бош корхоналарида малака орттириб келишди. Ана шу мутахассисларимиз ўз ишчи-операторларимизни ўқитиб, амалий ишга тайёрлашга бошқош бўлишди. Немис мутахассислари ускуналарни синаб кўриш жараёнида уларга устозлик қилишди.**

* * *

**Доктор Эрнест КАНЦЛЕР,**
**«Ермафа» фирмаси вакили**

**- Ўзбекистон Республикаси қонунлари қулай инвестицион муҳит яратаяпти. Фирмамизнинг Оҳангарондаги бу корхона билан бошланган ҳамкорлиги шу муҳит самарасидир.**

**Фирмамиз ускуналарни монтажлаш графигини икки ой барвақт бажарди. Синов тариқасида маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.**

**Бундай технологик линияларимиз жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ишлаб турибди. Фирмамиз 160 йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келади. Бу линиянинг плёнка материаллари ишлаб чиқариш имкониятлари ғоят кенг. Полларга қоплаш учун тиниқ, гулли материаллар, кўп қатли гидроизоляция плёнкалари, томга ёпиш учун плёнкали материаллар, хилма-хил жилоли дастурхонлар, плёнкалар, ювиб тозалаш мумкин бўлган девор қопламалари ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир.**

* * *

**Фахруллахон ЗИЁВВУДИНОВ,**
**ишчи-оператор**

**- Мен немис устозлар ёрдамида янги линияда ишлашни мукаммал ўрганиб олдим. Мустақиллик шарофати билан очилган бу имконият бизга маҳсулот сифатини яхшилашга имкон туғилди. Янги ускунани бир маромда ишлатиш малакасини эгаллаб олганлигимиз фирма мутахассислари қайтиб кетишганидан кейин ҳам ишлаб чиқариш тартибини синчковлик билан бажаришимизга ёрдам беради.**

* * *

**... Доктор Эрнест Канцлер раҳбарлигидаги мутахассислар ишчиларни жой-жойларига қўйишди. Бошқарув пультидан бошлаб, тайёр маҳсулот ўраб олинадиган участкагача немис ва ўзбек ходимлар ёнма-ён ишлай бошлашди. Кўп ўтмай кенг, бир текис материал ўрами юзага кела бошлади.**

**Оҳангарон ўз маҳсулоти билан энди жаҳон бозорига чиқаяпти. Ҳозир 8 миллион квадрат метр плёнка маҳсулоти ишлаб чиқараётган «Қурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамиятининг қуввати янги линия ишга тушиши билан 23 миллион квадрат метрга етади. Ҳозирдаёқ унинг маҳсулотларига Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Россия ва бошқа мамлакатлардан кўплаб буюртма олинаяпти. Корхона маъмурияти ўз маҳсулотини Оврупо бозорларига ҳам олиб чиқиш масалалари билан шуғулланмоқда.**

**Биз корхонанинг бошқа бир цехида плёнкага тўрт рангдаги расмларни тушира оладиган ускунани синаб кўраётган немис ва ўзбек мутахассислари иши билан ҳам танишдик. «Клай-неведгерс» фирмасининг мутахссислари юртдошларимизга янги касб сир-асрорларини ўргатишмоқда. В.Райнер, Ф.Зиёвуддинов, О.Хартмут, Р.Аминов, А.Қосимов, У.Венцель, Э.Гроссе ва бошқалар елкама-елка туриб, янги мураккаб машиналарни «қўлга ўргатишяпти».**

Ж.МУРОДОВ.

***Суратда: «Оҳангаронқурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамияти бош мухандиси Йўлдош Қорабоев ( биринчи қатор, чапдан учинчи) «Ермафа» фирмаси мутахассислари билан янги линия олдида.***

В.ПОРТНОВ олган сурат.

*Солиқ тизими*

# ПУЛ ЭМАС, ТОВАР-ХИЗМАТИ КЎПАЙСИН!

Инсон ва унинг рамзида оилани ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатида айниқса ислоҳотлар ижобий натижалар бераётган бир пайтда «нима ишлаб чиқариш», «қандай ишлаб чиқариш», ва «ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлаш» муаммолари ҳал қилиниши муҳим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, бозор муносабатлари ҳукм сурадиган шароитда ишлаб чиқаришни бозор тартибга солади. Шунингдек, талаб ва таклиф қонуни орқали ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.

Лекин ҳозирги ишлаб чиқариш муносабатлари ниҳоятда мураккаблашиб кетган пайтда давлат-бозор муносабатларига билвосита таъсир кўрсатиб, бозорни тартибга солиб туради. Даромад, иш ҳақи ва нархлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни истеъмолчилар орасида тақсимловчи омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, кўп даромад қилувчи истеъмолчилар ўз талабларини тўлароқ қондиришга ва аксинча кам даромад қилувчилар камроқ миқдорда қондириш имкониятига эга бўладилар.

Баҳолар ҳам маҳсулотларни истеъмолчилар орасида тақсимловчи омил бўлиб хизмат қиладилар. Баҳолар қанча паст бўлса, маҳсулотларни шунча кўп истеъмолчи харид қилиш имконига эга бўлади, ва аксинча, баҳо қанча баланд бўлса, маҳсулот ва хизматларнинг харидори шунча кам бўлади.

Давлат аҳолининг даромадига, унинг харид қобилиятига солиқ сиёсати орқали ҳам катта таъсир кўрсатади. Мамлакат бюджетидаги даромад қисмининг 90 фоизга яқини солиқлар эвазига шакллантирилади. Солиқларнинг аҳамияти иқтисодни ривожлантиришда, ижтимоий ҳаётни фаровонлаштиришда бениҳоят катта. Кейинги уч йил мобайнида солиқ тизимини шакллантириш, солиқлар тури, уларнинг ставкаларини белгилаш бўйича анча ишлар амалга оширилди. 1997 йили Солиқ кодекси қабул қилиниб, 1998 йил январ ойидан ҳаракатга киритилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар солиқ идораларининг иш якунида ўз аксини топмоқда. Тошкент шаҳри мисолида солиқларни ундириш масаласини таҳлил қиладиган бўлсак, 1997 йили ҳаммаси бўлиб 81,6 млрд. сўм солиқ ундирилган. Бу 1996 йилнинг кўрсаткичидан 1,82 маротаба кўп.

Барча ундирилган солиқларнинг 34,1 фоизини қўшимча қиймат солиғи, 31,5 фоизи фойдадан ундирилган солиқ, 14,7 фоизи иш ҳақидан олинган солиқ, 3,7 фоизи акциз солиқларининг улушига ва 14 фоизи бошқа солиқлар улушига тўғри келади.

1997 йили қўшимча қиймат солиғи 1996 йилга нисбатан 2 баробар кўпайган. Бунинг асосий сабаби маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳаж ошиши ҳисобига кўпайишдир. Фойдадан ундириладиган солиқнинг кўп қисми ҳануз давлат тасарруфидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

1996 йили фойдадан олинадиган солиқнинг барча ундирилган солиқлардаги улуши 47,3 фоиз бўлган. 1997 йилда фойдадан олинган солиқнинг улуши 11,7 пунктга пасайган. Акциз солиқларининг миқдори ҳам икки баробардан ортиқ кўпайган. Масалан 1997 йилда барча ундирилган акциз солиқларининг миқдори 4,23 млрд. сўм бўлган бўлса, шундан 2,21 млрд. сўмни спиртли ичимликлардан ундирилган акциз солиғи ташкил этган. Бунинг асосий сабаби спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳажми кўпайганлигида. Масалан ароқ, ликер-ароқ ичимликларини сотиш 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 52,3 фоизга, вино - 35,8 фоизга, коньяк - 33,3 фоизга, шампан виноси сотиш 41,2 фоизга кўпайган.

Ундириладиган солиқ миқдори ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш суръатларини, савдо-сотиқни ривожлантиришга боғлиқдир.

Ундириладиган солиқ миқдори ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш суръатларини, савдо-сотиқни ривожлантиришга боғлиқдир.

Аввало Тошкент шаҳар корхоналарининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 1997 йилда 1614 та корхонанинг фойдаси 30,8 млрд. сўмни ташкил қилган. 1996 йилнинг шу даврига нисбатан олинган фойда 44,6 фоизга кўпайган.

1997 йилда олинган фойданинг таркибида 1,8 фоиз ёки 505,6 млн. сўм иқтисодий санкциялар улушига тўғри келади. Лекин ўз йўлида Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилотлари ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун 1997 йилда 267,2 млн. сўм жарималар тўлашган. Жумладан маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини бажармаганликлари учун 14,2 млн. сўм жарима тўланган.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ундириладиган солиқ миқдорига ижобий таъсир кўрсатади. 1997 йилда Тошкент шаҳар корхоналарининг ташқи савдо оборотини 2,44 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 1996 йилга нисбатан 10,8 фоизга кўпдир. Ташқи савдо оборотининг таркибида экспорт улуши 21,6 фоизни, импорт - 78,4 фоизни ташкил қилди. Импорт экспортдан 3,6 марта кўп бўлган.

1997 йилда қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми қуйидаги рақамлар билан белгиланди:

озиқ-овқатлар - 13,5 млрд. сўм, электротехника товарлари - 8 млрд. сўм, машинасозлик ва металл буюмлари - 3 млрд. сўм, кимё ва нефть кимёси - маҳсулотлари 2,5 млрд. сўмдир. Қўшма корхоналар фаолиятининг ривожланиши ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдиришгина қолмай, балки мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини оширишга ва солиқ тушумларининг ошишига ҳам имконият яратади.

Савдо-сотиқнинг ривожланиши солиқ тушумларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. 1997 йили Тошкент шаҳри бўйича савдо обороти 138 млрд. сўмдан ошиб кетди. Жорий нархларда савдо обороти 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 2,1 маротаба кўпайган, лекин солиштирма нархларда ўсиш 16,3 фоизни ташкил қилган.

Истеъмол молларини сотиш 21,9 фоизга, озиқ-овқат молларини сотиш эса 86,6 фоизга кўпайган. Ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳам анча ўсган. Масалан папирос ва тамаки маҳсулотларини сотиш 11,2 маротаба, трикотаж маҳсулотлари 2,1 маротаба, кийим-кечак - 3,1 маротаба, пойафзал 2,0 маротаба, пайпоқларни сотиш - 88,9 фоизга, синтетик ювувчи моддаларни сотиш - 73,7 фоизга ортган.

Иқтисодий назариядан маълумки, агар маошдан олинадиган солиқ ставкалари пасайтирилса, аҳолининг даромади ортади. Макроиқтисодий даражада солиқ ставкасининг пасайтирилиши муносабати билан аҳолининг ортган даромадига мос равишда ички ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш лозим бўлади. Акс ҳолда товар билан таъминланмаган пул инфляция суръатларининг ошишига олиб келиши мумкин. Инфляция суръатининг ошиши солиқ ставкасининг пасайиши ва аҳоли даромадининг ўсишини фойдасиз жараёнга айлантириб қўяди. Пул-товар муносабатини бузиб, аҳолининг харид қобилиятини оширмайди. Пул товар мувозанатини сақлаб, пулнинг харид қобилиятини ошириш учун товар массасини кўпайтириш ҳам лозим бўлади. Шундагина солиқ ставкасини камайтириб, аҳолининг даромади ошса, шунга яраша товар массаси ҳам кўпайтирилса аҳолининг харид қобилияти ўсиб турмуши яхшиланади.

Бир томонлама солиқ ставкаларининг пасайтирилиши (товар массасини оширмасдан) инфляция даражасини зўриқтиришга олиб келиши мумкин. Ўз йўлида инфляция суръатларининг ошиши стагфляция, яъни бир вақтнинг ўзида нархларнинг кескин ўсиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Инфляция ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келади. Натижада маҳсулот нархи босқичма-босқич ортиб бораверади.

Инфляция суръатлари юқори бўлган пайтда иш ҳақининг оширилиши нарх-навони янада юқорироқ суръатлар билан оширилишига сабабчи бўлади. Чунки ҳозирги пайтда кўп маҳсулотларга, айниқса озиқ-овқатларга бўлган талаб таклифдан анча юқори. Талаб ва таклиф барча товарлар бўйича мувозанатга келтирилмагунча нарх ҳам муқобиллашмайди.

Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири товар массасининг секин-аста паст суръатлар билан ўсиши, инфляция кўрсаткичининг юқори бўлиши, нархларнинг тез суръатлар билан ўсиб боришидир. Бунинг натижасида пул-товар муносабатларида ҳаракатдаги пулнинг миқдори товар ҳажмига қараганда кўпайиб кетади. Бундай вазиятдан чиқиш учун давлат кўплаб чора-тадбирларни амалга оширади. Улар қаторида инвестицияни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш, иқтисоднинг оптимал таркибини шакллантириш, ҳаракатдаги пул миқдорини камайтириш, иш ҳақини вақтинча музлатиб туриш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш ва бошқалар киради.

Инфляцияга қарши кураш чораларининг энг муҳими бу давлатнинг солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатидир. Бу сиёсатнинг мазмуни шундан иборатки, унда солиқ турлари ва ставкаларини белгилаш, давлат харажатларини камайтириш, маблағларни тадбиркорларга, фирма, компанияларга инвестиция қилиб беришдан иборат.

Пул-товар муносабатида товар массасини кўпайтириб, пул массасини камайтирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш яхши самара беради. Шунинг учун ҳам 1996 йилдан бошлаб мамлакатимизда нақд пул ҳаракатини назорат қилувчи комиссиялар тузилган. Улар нақд пул ҳаракатини таҳлил қилиб, шароитга қараб ё маълум миқдордаги пулни ҳаракатдан чиқариш, ё аксинча, ҳаракатга киритиш тўғрисида тавсия берадилар.

Тошкент шаҳрининг ўзида 1998 йилда 27,2 млрд. сўм ҳаракатдан чиқарилган бўлса, 1997 йилда 38,8 млрд. сўм пул ҳаракатдан чиқарилган. Ҳаракатдаги ортиқча нақд пулнинг миқдорини камайтириш пулнинг қадрсизланиш суръатларини бирмунча камайтириш имконини беради. Ҳозирги шароитда солиқ ставкаларининг юқори бўлишининг сабаби ҳам асосан жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ва миллий даромаднинг паслигида.

Солиқ сиёсати орқали давлат ялпи талабга таъсир кўрсатиб, уни кўпайтириши ёки камайтириши мумкин. Солиқ ставкалари пасайтирилса, аҳолининг даромадлари ошиб, шунга яраша талаб ҳам ортади. Лекин талаб ортсаю, таклиф паст даражада бўлса, бу ҳол нархнинг ошишига олиб келади. Даромад органи билан нарх ошиши эвазига пулнинг харид қобилияти ошмайди.

Товар массаси етарли кўпаймаган шароитда давлат инфляция суръатларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида солиқ ставкаларини юқори қилиб белгилайди ва шу йўл орқали товар билан таъминланмаган пулни солиқ ёрдамида бюджетга олади.

Агар шундай қилинмаса нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши оқибатида бюджетдан маош оладиган нафақахўрлар, кўп болали оилалар, талабалар қаттиқ жабрланадилар, ва уларнинг турмуш тарзи кескин пасайиб кетади. Пул-товар муносабати мувозанатда бўлган шароитда давлат солиқ ставкаларини пасайтириб, ялпи талабни оширишга таъсир кўрсатади. Бу сиёсат ўз йўлида ишлаб чиқариш суръатларини оширишга ҳам таъсир қилади. Бундай вазиятда нархнаво ошмайди, аксинча пулнинг харид қобилияти ошиб, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига кўмаклашади. Пулнинг миқдорини ошириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатига мос равишда олиб борилса пул қадрсизланмайди.

Узоқ муддат мобайнида маошдан олинадиган солиқ ставкаларининг юқори бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳол бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Салбий оқибатлар қаторига аҳолининг иқтисодий фаоллигининг пасайиши, ҳар хил ғайриқонуний йўллар билан солиқ тўламаслик чораларини излаш, кўпроқ нақд пул билан яширинча фаолият олиб бориш, порахўрликнинг авж олиши ва бошқалардир.

Вазиятга қараб солиқларни ҳам тартибга солиб туриши керак. Мамлакатимизда кейинги 3-4 йил ичида амалга оширилган ишлар, айниқса кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кўплаб корхоналарни қуриш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш ўз самарасини бера бошлади. Эндиги вазифа эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўстиришдан иборат.

Мана шу йўл билан солиқ ставкаларини пасайтириш, яъни талаб суръатини ошириш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш, мумкин. Демак, хулоса шуки, мамлакатнинг ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш порлоқ истиқболга замин бўлар экан.

**С.САЛИМОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ—ОИЛА ЙИЛИ

*Одамийлик сабоқлари*

## ҲАҚ ЙЎЛДИР БУ ЯХШИЛИК

***Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!***
***Ислом-яхшилик дини. У кишиларни яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаради. Инсонийликка чақириб, разолатни рад этади. Одоб-аҳлоқ, руҳий-маънавий поклик ва равнаққа чорлайди. Шу билан бирга ҳалол меҳнатга, ер юзини обод қилишга, ҳаётни гўзал ўтказишга ундайди.***

Тўйлар ва маросимлар ҳақида турли даврларда гаплар ўзга бир талқин касб этиб нишонланган. Чунки, ҳар бир даврнинг ўз тошу-тарозуси бор. Ҳозирги кунларда юртимизда истиқлол отли тотли неъматга эришган даврда тўй маросимларини ўтказиш янада бир чиройли тус олмоқда. Қолаверса, тартибли, ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказишни уларда миллий қадриятларимизнинг ифодаланиши ўзига хос тароват касб этмоқда. Яратганга минг шукурким, халқимиз болажон, оилалар серфарзанд. Бу дегани сертўйлик эмасми? Шу боис, юртимизнинг ҳар бир гўшасида кунда бир нечта тўй ва хайрлик тадбир ва маъракалар ўтади. Аллоҳ таоло диёримиздан қут-баракани кўтармасин. Булар диёримиз иқтисодий ҳолати яхши эканлигининг белгисидир. Тўйга тўйлар уланаверсин.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки уйланса, ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин»,-деганлар. Яратганга шукурким, халқимиз замонлар ўта мана шу ўгитга амал қилиб, фарзандларини вақтида уйлантириш ёки турмушга беришдек шариатнинг кўрсатмасига амал қилган ҳолда дунёдаги бошқа жуда кўп халқлар, шу жумладан мусулмон халқлари ичида ҳам алоҳида ўрин тутади. Барчамизнинг мақсадимиз мана шу тўй ва баъзи бир маросимларни ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Исрофгарлар шайтоннинг биродаридирлар»,- деб огоҳлантирган.

Мусулмонлар шуни яхши билишлари керакки, хайр-эҳсонлар қилиш бу бир мустаҳаб амалдир. Уни шариат таълимотларига мувофиқ ҳолда ўтказиш эса шартдир. Акс ҳолда ажру-савобдан маҳрум бўлинади. Аммо, нафақаи аҳлу-аёл фарз амаллардан ҳисобланади. Шунинг учун тўй қиламан деб, бола-чақанинг ризқини қийиш- бу айни хатодир. Борди-ю, мен маҳалла, юрт ошини еганман, маҳаллага ош бермасликка номус қиламан, деб бошқалардан қарз олиб ёки олмасдан ҳам худойи қиладиган бўлса, бу айни гуноҳнинг ўзидир. Маълумки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан чиқарилган «Мусибат етган хонадон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросимлар одоби ҳақида»ги фатвода кўрсатилишича мусибатхоналарда пайшанбалик ва якшанбалик номи билан қилинаётган худойи маросимлари ҳеч бир диний китобларимизда буюрилмаган. Мусибат етган хонадонда муайян кунга боғламасдан, ҳамда оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда бирор марта бир эҳсон тарзида худойи қилиб ўтказилса кифоя қилур... Шунингдек, мусулмон фарзандларимизнинг аҳди-никоҳ тўйлари ва ақиқа каби маросимларни ниҳоятда иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказишлик шариатимиз руҳига жуда мувофиқ келади, деб ўтилган. Бизнинг Ислом шариатимизда мусулмонларга ҳаргиз оғирликни раво кўрилмайди. Чунки, Қуръони каримда айтилган: «Аллоҳ таоло Сизлар учун бу динда ҳаргиз қийинчилик яратмади», ва яна «Аллоҳ таоло ҳар бир бандага қўлидан келмайдиган ишларни буюрмайди», каби Аллоҳнинг сўзлари мусулмонларнинг маросимларни қийналмай ўтказишлари ва бемалол ибодат қилишлари учун айтилган илоҳий бир қонундир.

Жойларда тўй ва бошқа маросимларимизни жуда чиройли ва ихчам ўтказилишида маҳалла фаоллари, оқсоқоллари ва барчамиз, ҳар бир оиланинг иқтисодий ҳоли-кудратини эътиборга олган ҳолда ўтказилишига маъсулдирмиз.

Яратган Парвардигор барчаларимизни тўғри йўлдан адаштирмаслигини сўраб, дуолар қилиб қоламиз.

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.**

## АСРДАН ОШГАН АЯ

Умрни кимдир оқар дарё деса, бошқа биров шамолга қиёс қилади. Дарҳақиқат бу кўҳна дунёнинг чексизлиги олдида одам умри лаҳзадек гап. Лекин муттасил курашдан иборат бу ҳаётда инсон меҳнатидан улуғ, инсон камолотидан гўзалроғи йўқ.

Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги Саид Кўрғон қишлоғида 1895 йилда таваллуд топган Саврнисо аянинг турмуш йўлига назар солганда беихтиёр ана шу фикрлар миямда чарх уради. Ая муаллим бўлиб, қишлоқ болаларини саводли қилишга ҳаракат қилди. Аммо, 1941 йилда бошланган уруш оқибатида у касбини ўзгартирди. Саврнисо аянинг турмуш ўртоғи, 6 фарзанднинг отаси ва ёши 50 да бўлишига қарамай жангга кетди.

Олти фарзанднинг ҳам онаси, ҳам отаси ўрнида вақтинча муаллимликни тарк этиб, «Инқилоб» колхозига чиқиб ишлай бошлади. Меҳнатсеварлиги туфайли тезда пахтачилик бригадасига бошчилик қила бошлади. Катта ўғли ўрта мактабни тугатгач, Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш институтига кириб ўқиди. Уруш тугади. Аммо оила бошлиғи Зайниддин акадан ҳеч қандай хабар бўлмади... Саврнисо ая бир умр ҳалол меҳнат қилди. Олти фарзандини тарбиялаб, ўқитди, ҳаммаси уйли-жойли бўлди. Саврнисо қишлоқда энг баобрў аёллардан бирига айланди. Аммо фалокат ая бошига яна мусибат олиб кетди. Иккинчи ўғли ва келини оғир касаллик туфайли вафот этдилар. Саврнисо ая 9 набирани қарамоғига олди ва бу орада катта келинлари ҳам вафот этди. Яна 4 набира у киши билан қолди. Аммо сабр-қаноат устун келди. Саврнисо ая фарзандлари ўсиб улғайгач, набираларининг бошини силади.

Бугун онахон қўлларини дуога очиб юртимизга омонлик невара-эваларига саломатлик тилайдилар...

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

## ОИЛА даврасида

***Адиба «Оила ва жамият» газетасининг бош муҳаррири Дилбар САЙДОВА билан мулоқот.***

**- Дилбар опа, мен журналист сифатида шу ёшимга келиб битта ҳақиқатни англаб етгандекман: дунёдаги энг сабрли аёл - энг бахтли аёл экан!**

- Қаранг, яқинда бир янгиликни эшитиб қолдим: чет эллардаги баъзи бир хонадонларда рўзғор юмушларини «Электрон-энага»лар бажаришаркан. Уй бекаси эса ясан-тусан қилиб меҳмонларга борар, давраларда кўнглини чоғлар экан. Шунда ўйланиб қолдим. Бизда «Электрон-энага»нинг ҳам, уй бекасининг ҳам юмушларини битта аёлнинг ўзи уддалайди! Уддалаганда ҳам беминнат, бетаъма...

Бу кун аёлларимиз бир уй юмушларидан ортиб, китоб мутолаасига вақт ажратишяпти, дунёвий илмларни ўрганишяпти, компьютер техникасини ўзлаштиришмоқда. Ахир янги давр болаларини ҳар томонлама билимдон этиб тарбиялаш учун оналар ҳам замонавий бўлмоғи керак-да. Аёлларимиз шу нарсага етарлича фидойилик билан ёндошаётганликлари қувонарли.

**-«Оила ва жамият» газетаси эл суйган нашрлардан бири. Газетанинг бугунги фаолияти ҳақида бироз сўз юритсангиз.**

- Биласизми, газетада эндигина иш бошлаган кезларимда шундай бир воқеа юз берди. Газетанинг янги сони чиққандан сўнг эртасигаёқ бир аёл қўнғироқ қилди. «Мен Қорақамиш даҳасида яшайман, ҳозир пенсионерман, деди у ўзини таништириб. Сўнг менга: «Сиз бугунги газетанинг муқовасидаги суратга редактор сифатида яхшилаб разм солдингизми?- деди. Шу куни газета муқовасига бир гуруҳ бошланғич синф ўқувчиларининг кулиб тушишган сурати берилганди. «Ҳа, яхши суратку, бу»- дедим, «Эҳа, сиз уларнинг эгнидаги кийимларига бир қаранг. Етмишинчи йилларнинг болаларику, улар» деди телефон ортидаги аёл. Хуллас, мен унга раҳмат айтиб, дарҳол аниқладик. Ушанда газета фотомухбири ишга келмай қолиб, жамоатчи суратказ топиб келган суратдан фойдаланилган экан.

Қаранг, халқимиз биз ўйлагандан ҳам кўра зийрак, билимдон. Газетхонларимиз гоҳ телефон орқали, гоҳ ўзлари ташриф буюриб, хуллас биз билан доимий мулоқотда бўлиб туришади. Шу фикр-мулоҳазалар ишимизни режалаштиришда айниқса қўл келади.

- «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» деган ҳикмат бор. Қолаверса, газета мавқеини газетхоннинг эътибори белгилайди. Агар сир бўлмаса, ўқувчиларга қай мавзулар кўпроқ маъқул бўлаётгани ҳақида сўзлашсак...

- Ёдингизда бўлса, май ойининг бошларида пайариқлик С.Сайидмуродованинг мактуби асосида тайёрланган «Наҳот чораси бўлмаса» деган мақола босилиб чиқди. Оиласи бузилиб, жабр тортаётган бир аёл тақдирига маҳалла-кўй, ҳатто суд маҳкамасидагилар ҳам бефарқ қарашган. Бу мақола юзасидан жуда кўплаб мактублар олдик. «Ўғилларим мени тушунишмаяпти» мақоласида қирқ йиллик ёстиқдошидан айрилган кекса отахоннинг дил изтироблари қаламга олинади. Бу мақолага кўпчилик турли фикрлар билдириб мурожаат этишди. Уларнинг айримлари газетамизда чоп этилди. «Пичоқни ўзига урмоқчи эдию...» мақоласининг тарихи қизиқ. Эри қамоқда бўлган бир аёл бебош қизини йўлга сололмай хўб қийналади. Маломатга қоси, ўзбек хонадони шундай қурилганки, унга дунё халқлари ҳавас қилишади десак, сира муболаға бўлмайди. Энг ривожланган мамлакатлардан юртимизга ташриф буюрган не-не эътиборли зотлар ҳам ҳайрат билан бунга эътироф этишган.

Унда ҳар бир одамнинг ўз ўрни, ўз қадри, ўз овози бор. Бунда ўтганлар ёди ҳамиша эъзозда.

## АЁЛЛАРИМИЗ ОИЛА ФИДОЙИСИ

Онага эса суд қамоқ жазоси тайинлайди. Шу аёл яшаётган Марғилон шаҳридаги маҳалла аҳли аёлнинг бегуноҳ экани, унинг тўрт фарзанди ортида қолаётгани, аёлга бирор енгиллик берилиши зарурлигини сўраб газетамизга мактуб жўнатади. Мактуб босилиб чиққандан сўнг кўп ўтмай огоҳ бўлдик. Суд иши қайта кўриларкан!

**- Биз Оила йилида яшаяпмиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, Оила икболи - юртимиз тинчлиги ва осойишталиги гаровидир. Сизнингча, ўзбек оиласининг шаъни нима билан ўлчанади?**

- Оила... Ана шундай илоҳий, мўъжизавий маскан - манзилдир. Биз ким бўлмайлик, қайда бўлмайлик ҳамиша унинг бағрига интиламиз. Бахту бахтсизлигимизни шу масканда туямиз. Шу маскандан малҳам излаймиз, шу масканда ором-оройиш топамиз. Эр-хотин, ака-ука, опа-сингил... Бир-бирига ўхшамаган ва айни дамда бир-бирига ўхшаб кетувчи, бир-бирини такрорламайдиган ва айни дамда бир-бирини такрорлагувчи, сира узилмайдиган ва сира зангламайдиган азалий-абадий занжирдир бу. Ҳаётнинг барқарорлиги, давомийлиги манбаи аслида ана шунда. Узбек оиласид

*Темурий маликалар*

# ШОДМУЛК ХОТУН

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк Хотун Самарқанд шаҳрининг қуйи табақасига мансуб ҳунарманд оиласида дунёга келади. Амир Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, 1366-1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги боғ кўчадан отда ўтаётиб, Шодмулкка кўзи тушади ва уни севиб қолади. Халил Султон Мирзо (1384-1411) жасоратли, ҳарбий салоҳиятли ва истеъдодли йигит бўлган. Балоғатга етгач, уни аслзода хонадон қизига уйлантиришган. Ундан бир ўғли ҳам бор эди. Аммо Шодмулкни севиб қолгач, ўз замонасининг таомилига қарши ўлароқ, шу қизга уйланади. Табиийки, бундай «тенгсиз» никоҳга Темур бошлиқ бутун авлод қарши туришган. Бироқ Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори ғолиб чиқади. Амир Темур аввалида қаттиқ ғазабланган бўлса-да, кейинчалик набирасига бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради.

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йил март ойида Халил Султон Мирзо Самарқанд тахтига ўтиради. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви натижаси ўлароқ, аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари-ю хос канизакларини ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни кўндиради. Жумладан, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Оғо бегимни Амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сарой Мулк хоним билан Тукал хонимларни Шодмулк бегимнинг махфий буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирганлар. Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот ҳам кўрсатилмайди. Хазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти баттар кучаяди. Шодмулк бегимнинг ҳоҳиш-иродаси ила қуйи табақага мансуб кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ. Шодмулк бегимнинг ҳоҳишига мувофиқ, қандайдир Бобо Турмуш деган кимса тўла ҳуқуқли вазирлик мансабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларга ҳам ҳеч қандай рағбат бўлмайди.

Аркони давлат ўртасида вужудга келган бундай нобаробарлик салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шоҳруҳ Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирзо қўшини Бодхез мавзеига келиб тўхтайди. Халил Султон Мирзонинг қўшини эса Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шу аснода шимолда амир Худайдод бошчилигида қўзғолон кўтарилгани ҳақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан амир Худайдодга қарши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худайдод томонидан асирга олиниб, Самарқандга келтирилади ва кейинчалик Фарғонага олиб кетилади.

Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шоҳруҳ Мирзога топширадилар. Айрим маълумотларга қараганда, Шоҳруҳ Мирзо Шодмулк бегимни таҳқирлаб, кўп азоб-уқубатларга дучор қилади.

Ниҳоят, Халил Султон Мирзони Фарғонадан ўтрорга келтириб, амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шоҳруҳ Мирзо билан Ҳалил Султон Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Хотини Шодмулк бегим қайтариб берилади. Кўп ўтмай, 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида бетоб бўлиб, вафот этади. Айрим маълумотларга қараганда, у заҳарланиб ўлади. Шундан сўнг 1411 йилнинг охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим заҳар ичиб оламдан ўтади.

**Турғун ФАЙЗИЕВ.**

*Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт •*

# КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВЛАРИ

***Мамлакатимиз Президентининг бир гуруҳ касаба уюшма арбоблари билан учрашувида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида вужудга келадиган мураккаб шароитда касаба уюшмаларнинг ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг турли усуллари қатори соғломлаштириш ҳам ғоят мураккаб аҳамият касб этишлиги, жумладан бунинг муҳим омилларидан ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортга эътиборни кучайтириш зарурлиги юзасидан кўрсатмалари долзарб вазифа сифатида қолмоқда. Бинобарин, Наманган вилояти касаба уюшмалар кенгаши бу масалага ҳамиша жиддий муносабатда бўлиб келмоқда ва бу соҳани ривожлантиришнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Касаба уюшма спортчилари томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятлар буларнинг яққол далилидир. Куни кеча бўлиб ўтган икки кунлик беллашувлар буни яна бир бор исботлади.***

Касаба уюшма спортчилари беллашувига бағишлаб Наманган шаҳрининг «Спартак» ўйингоҳида «Камолот» турнири номи остида очилган катта маросимни вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов кириш сўзи билан очди ва мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилади. Сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг тантанавор садолари остида спорт беллашувларига старт берилди. Спортчилар саф тортиб ўтдилар. Мусобақа спортнинг волейбол ва баскетбол турлари бўйича ўтказилиб, унда барча тармоқ касаба уюшмаларининг вакиллари иштирок этдилар. Мусобақалар аёллар ва эркаклар командалари бўйича ташкил этилди. Қизғин ўтган ва ўнлаб йигит-қизлар ўз маҳоратларини намойиш этган ўзаро беллашувларда эркаклар волейбол командалари ўртасида 9 очко тўплаган алоқа ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси спортчилари биринчи, енгил саноат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси иккинчи, машинасозлик тармоқ қўмитаси учинчи ўринни эгалладилар. Худди шу ўйин тури бўйича аёллар командалари ўртасида соғлиқни сақлаш тармоқ қўмитаси вакиллари биринчи, давлат муассасалари иккинчи, савдо ходимлари тармоқ қўмитаси учинчи ўринни забт этишга муваффақ бўлишди. Баскетбол бўйича эса эркаклар ўртасида машинасозлик, соғлиқни сақлаш, савдо ходимлари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар.

Ғолиб командаларга вилоят касаба уюшмалар кенгаши ва тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг Фахрий Ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Ғоят қизғин беллашувлар остида ўтган ушбу спорт мусобақалари унинг иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Жаҳон чемпионати Ўзбекистон телеэкранида қандай ёритилди?*

# «ФРАНЦИЯ-98» ЁДДА ҚОЛДИ

**Вақт бир зум ҳам тўхташни билмайди. Нечанеча ойлар давомида ўзгача бир илинж билан орзиқиб кутганимиз жаҳон чемпионати ҳам тарихга айланди. Финал якунлангач, бир ярим миллион парижликлар шаҳар кўчаларига чиқиб юртдошларининг ажойиб ғалабасини байрам қилишди.**

**Биз учун энг муҳим янгилик шу бўлдики, юртдошларимиз ойнаи жаҳон орқали «Мундиаль-98»нинг барча 64 ўйинини томоша қилиш имконига эга бўлишди. Шу ўринда ишқибозлар номидан Ўзбекистон телевидениеси жамоасига алоҳида миннатдорчилик изҳор этиш лозим деб ўйлаймиз.**

Бунақаси ҳали телевидениемиз тарихида бўлмаган эди. Чемпионат мобайнида ҳар куни учрашувларни бевосита эфирда ва ёзиб олинган ҳолда томоша қилиб курраи заминимизнинг энг кучли футболчилари маҳоратидан баҳра олдик. Ҳатто Россия телеканаллари ҳам бизникилардан ортда қолиб кетишди. Мана шу бир қарашда кичик бир мисолда ҳам мустақиллигимиз мевалари намоён бўлди.

Айниқса, ТВ-2 канали ходимлари чемпионат бошланмасидан аввал Франциядан энг қизиқарли ўйинларни ҳар куни бевосита олиб кўрсатиш ҳақида гапиришганда кўпчилик, рости, ишонмаганди. Мана бугун биз берилган ваъда амалда бажарилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шарҳловчилар Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ва Мурод Ризаев олис мамлакатдаги учрашувларни томоша қилишда бизга баҳоли қудрат кўмаклашишни уддалашди. Уларнинг биз каби Тошкентда эканига ва сизу биз каби фақат телемониторда учрашувни кузатиб боришганига ишонгинг келмайди. Чамамда уларга «Интерфутбол» ва «Миллионлар ўйини» туркум кўрсатувларини тайёрлашда орттирилган тажриба жаҳон чемпионатини шарҳлашда қўл келди.

Жаҳон чемпионати тарихи, унинг иштирокчилари, ўйингоҳлар ва бошқа кўплаб воқеалар хусусида ўйинлар танаффуси пайтида намойиш этилган жаҳон чемпионати кундалигида иқтидорли журналист Аброр Имомхўжаев қизиқарли ва атрофлича ҳикоя қилиб берди. Кундалик ҳам тезкорлик билан тайёрланганини, шу куни чемпионатда ўтказилган ўйинларнинг энг ҳаяжонли ва ҳал қилувчи дақиқалари чуқур таҳлил этилганини алоҳида қониқиш билан таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу борада ҳам ТВ-2 канали барча ҳамкасбларига ўрнак бўлди.

Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ва оператор Анвар Авазхўжаевлар Франциядан махсус тайёрланган лавҳалар кундалик саҳифаларидан бир ҳафта мобайнида ўрин олди. Жаҳон чемпионати ўтказилаётган Франция, унинг тарихи, чемпионат атрофидаги тадбирлар ва бошқа кўплаб қизиқарли воқеаларни ушбу ижодкорлар ўзига хос тарзда тақдим этишди. Лавҳалар муаллифларининг жаҳон чемпионатига ташриф буюрганидан жуда хурсанд бўлган эдик. Аммо кейинчалик билсак, аслида, улар Тулузада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси янги самолёт қабул қилиб олишини ёритиш учун Францияга ташриф буюришган, жаҳон чемпионати ҳақида лавҳаларни эса имкониятдан фойдаланиб қалб амри билан тайёрлашган экан.

Хуллас, футбол бўйича асримизнинг сўнгги чемпионати ниҳоясига етди. Мезбонлар бразилияликларни енгиб, илк маротаба олтин медалларни қўлга киритишди. Ойнаи жаҳон кўмагида бўлса-да, кўплаб учрашувлар, чиройли голлар, «юлдузлар» маҳоратидан баҳраманд бўлдик. Телевидениемизнинг бундай совғалари кўпайиб боради деган умиддамиз.

**Чори ЛАТИПОВ**

***Суратларда: 1. Футбол - халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш воситаси. Аргентина ва Япония ишқибозлари Францияда дўстлашишди. 2. Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ва Анвар Авазхўжаев Тулузада навбатдаги лавҳани суратга олишмоқда.***

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги баъзи ҳорижий матбуот агенликларининг «Тожикистонда сиёсий вазият боши берк кўчага кириб қолди» деб ҳукумат томонини айблаётганини рад этди. Баёнотда айтилишича, иккала томоннинг саъй-ҳаракати туфайли ҳозиргача мухолифат жангариларидан 600 нафари ҳукумат қўшини билан бирлашган, яқинда яна 153 нафар мухолифат аскари Афғонистондан қайтиб келган. Шунга қарамай Республика Президенти Раҳмонов бундан бир ой илгари Саид Абдулло Нурий билан учрашганида иш суст бораётганини айтиб, уни тезлатиш лозимлигини таъкидлаган эди.

***

**Тожикистон пойтахтидан юз километр шаркрокда Товилдарада БМТнинг республикада иш олиб бораётган тўрт нафар кузатувчиси отиб ўлдирилган.**

**Уларнинг машинаси пистирмага тушиб қолган ва ноўмалум шахслар уларни ўққа тутган. Машина ичида уч нафар хориж фуқароси ҳамда тожикистонлик таржимон бўлган.**

**БМТнинг Тожикистондаги доимий вакили Ян Кубеш бу ерда вазият барқарорлашмаганидан афсусланган. Хукумат томони бу иш юзасидан ҳали ўз муносабатини билдирмаган.**

***

Алматида БМТнинг ҳомийлигида Марказий Осиё республикаларининг 2010 йилгача иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бағишланган уч кунлик конференция бўлган. Анжуманда ишсизлик қашшоқликка барҳам бериш йўллари муҳокама қилинган. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш лозимлиги айтилган. Давлатлар (айниқса, Қозоғистон ва Туркманистон) фақат нефть ва газни сотишга берилмай, бошқа соҳаларни ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилиши кераклиги таъкидланган.

***

**Қирғизистонда фаолият кўрсатаётган демократик кучлар республика Конституцион судининг яқинда А.Акаевни учинчи марта Президентликка сайланиши мумкин, деб чиқарган қарорини ҳозирги вазиятга суяниб чиқарилган субъектив қарор деб баҳолаган, Улар республикадаги барча демократик кучлари янада жипслашиб иш юритишга, диктаторликка йўл қўймасликка чақиришган.**



***Москвада I Бутунжаҳон ўсмирлар ўйини ниҳоясига етди. Бунда республикамиз ўсмирлари муваффақиятли қатнашдилар.***
**Суратда: финал ўйинидан лавҳа.**

**А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Жаҳон спорти*

# НЬЮ-ЙОРК: ЯХШИ НИЯТ ЎЙИНЛАРИ

Якшанба куни Москва шаҳридаги спорт байрами Нью-Йоркка кўчди. «Лужники» стадионида I Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими ўтаётган бир пайтда, Нью-Йоркда IV яхши ният ўйинлари мусобақалари старт олди. Унинг асосчиси, америкалик миллиардер Тед Тернер V ўйинлар 2001 йили Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтишини таъкидлади.

Мусобақалар дастлабки куниёқ қизғин тус олди. Шу куни россиялик енгил атлетикачилар бешта олтин медални қўлга киритишди. Дмитрий Шевченко диск улоқтириш баҳсида, Ирина Коржаненко ядро ирғитишда, Сергей Макаров найза улоқтиришда биринчи бўлишди. Светлана Рогова 3000 метрли масофани тўсиқлар оша ҳаммадан олдин босиб ўтди. Елена Белякова эса лангарчўп билан сакрашда австралиялик Элем Джорж ва чехиялик Даниэл Бартовларни ортда қолдириб, олтин медал соҳиби бўлди. Ушбу спорт тури бўйича мезбонларнинг натижалари ҳам чакки бўлмади. Уларга тўртта олий мукофот насиб этди. Джон Година ядро ирғитишда, Брайан Бронсон 400 метрга барьерлар оша югуришда, Марион Джонс 100 метр масофага югуришда маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Шана Уильямс узунликка сакрашда барча спортчилардан юқори натижа кўрсатди. Трининадлик Ато Болдон 200 метрга, мозамбиклик Мария Мутола 800 метрга югуришда барчага ўрнак бўлишди.

Спорт гимнастикаси бўйича АҚШ терма жамоаси аъзоси, Атланта Олимпиадаси чемпиони Доминик Мочеану кўпкурашда ўз рақиблари руминиялик Мария Олар ва Симон Аманарларни ортда қолдириб, мутлоқ чемпион бўлди. Эркин машқлар бажаришда бироз хатоликка йўл қўйган россиялик жаҳон чемпиони Светлана Хоркина 7-ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Мусобақанинг иккинчи куни ҳам кескин спорт курашларига бой бўлди. Россиялик синхрон сузувчилар иккинчи олтин медални қўлга киритишди, улар умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллашди. Белоруссиялик Иван Иванков спорт гимнастикаси бўйича кўпкураш баҳсларида олтин медал соҳиби бўлди. Алексей Бондаренко (Россия) ва Блэйн Уилсон (АҚШ) 2-3-ўринларни эгаллашди. АҚШлик енгил атлетикачилар ўз ҳисобларига яна беш олтин медални ёзиб қўйишди. 2-олтин медални Марион Джонс қўлга киритди, 200 метрга югуришда у кўрсатган вақт - 21,8 сония - жаҳон мавсумининг энг яхши натижаси бўлди. Таниқли Дэн О Брайен 8755 очко тўплаган ҳолда ўнкураш ғолиби бўлди. Баландликка сакраш секторида ғалаба Пиица Уэллер фойдасига ёзилди. Шунингдек, 110 ва 100 метрга барьерлар оша югуришда америкалик Марк Криэр ҳамда Эгни Ваунлар ҳам биринчи ўрин эгалари бўлишди. Иккинчи кунги беллашувларда россиялик енгил атлетикачилар ҳам бўш келишмади. Улар 4 та олтин эгаси бўлишди. Светлана Мастеркова 1 миляга 4.20.39 натижа кўрсатди. 5000 метрга югуришда Ольга Егорова ғалаба қозонди. Шу масофада Любовь Кремлева 3-ўринга рози бўлди. 20 кмга спортча юришда Илья Марков марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Диск улоқтиришда Наталья Седова энг яхши натижага эришди. Ўйинларда Кения спортчиларига ҳам иккита «олтин» насиб этди. Бернар Бармасан 3000 метрга югуришда 800 метрга югуришда Патрин Ндурури биринчи бўлди. Узунликка сакрашда кубалик Иван Педросога тенг келувчи рақиб топилмади.

Баскетбол бўйича мусобақаларда Россия терма жамоаси дастлабки ғалабага эришди. Саралаш баҳсларида «А» гуруҳида россияликлар австралия спортчиларини 81:73 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Литва жамоаси ҳам аргентиналикларни устидан 81:77 ҳисобида устун келишди.

«В» гуруҳида Бразилия терма жамоаси карвонбошилик қилмоқда. Улар овертаймда Пуэрта Рико жамоасини 96:92 ҳисоб билан енгишди. Майдон эгалари эса хитойликларга 91:76 ҳисобида бой бердилар.

Ушбу ўйинларда 2 нафар боксчимиз ҳам иштирок этади. Маҳоратли чармқўлқоп усталаримиз Темур Туляков ва Дилшод Ёрбековлар мураббий Ҳасан Муҳамедов раҳбарлигида 24 июль куни АҚШларига жўнаб кетишади. Бокс беллашувлари 27 июлда старт олади.

**Доншёр ЮСУПОВ.**

## ЧЎЛҚУВАРЛАРГА САЛОМАТЛИК КОШОНАЛАРИ

*Ахборот*

Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси янги таъмирланган бинога кўчиб ўтди. Бу билан илгари катталар ва болалар касалликлари алоҳида тарқоқ ҳолда бўлган бўлса, эндиликда улар марказлашган ҳолда даволанишга имконият яратилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти туманларнинг вилоят марказидан узоқлигини ҳисобга олиб, жойларда туманлараро даволаш масканларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Ҳозиргача Пахтакор шаҳрида ички касалликлар, Дўстлик шаҳрида эса жарроҳлик касалликлари бўйича туманлараро бўлимлар очилди.

Бу қулайликдан Арнасой, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор, Дўстлик каби чўл туманлари аҳолиси баҳраманд бўлишаяпти.

## ДАРСЛИКЛАР ТЕКИН БЕРИЛАДИ

Зарбдор туманида 21 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 11 минг 820 нафар бола ўқийди. Айни шу кунларда мавжуд мактабларда таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилиши билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш режаларини тузмоқдалар. Бунда туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган маорифчилар қатламини ўрганиб чиқди. Қўмита таклифи билан туман халқ таълими бўлими 32 нафар ўқувчига 20 минг сўмлик дарсликни бепул тарқатадиган бўлди.

- Имкониятимиздан келиб чиқиб, туманимиздаги мактабларда билим оладиган ўқувчиларнинг асосий қисмига дарсликларни бепул улашмоқчимиз,- дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Эрбўта Муҳаммадқулов,- бу билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ҳисса қўшамиз.

**Абдуманнон АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ ИШОНЧ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85–66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририят манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Сарвара Қосимова 1 2 3 4 5 6